

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЧИЛОВА МАВЛУДА САЪДУЛЛАЕВНА**

**ҚЎЛ МЕХНАТИГА ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ  
ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doktor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Ачилова Мавлуда Саъдуллаевна**

Қўл меҳнатига ўргатиш орқали ўқувчилар ижодий тафаккурини  
ривожлантириш технологияси .....5

**Ачилова Мавлуда Саъдуллаевна**

Технология развития творческого мышления учащихся путем обучения  
ручному труду .....28

**Achilova Mavluda Sa'dullayevna**

Technology for the development of students' creative thinking by teaching manual  
labor .....54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of publications .....59

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЧИЛОВА МАВЛУДА САЪДУЛЛАЕВНА**

**ҚЎЛ МЕХНАТИГА ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ  
ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.Phd/Ped3325 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([cspi.uz.ilmiy-kengash](http://cspi.uz.ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ботирова Шахло Исамиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Раҳимов Бахтиёр Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_»\_\_ кунни соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [chspi-kengash@umail.uz](mailto:chspi-kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_»\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_»\_\_ даги\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**У.Н. Ходжамкулов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., доцент

**Ф.Т. Ражабов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, г.ф..ф.д. (PhD), доцент

**Б. Бойметов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси в.б., п.ф.н., професоор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон ижтимоий тафаккур ривожда инсоннинг ақл-заковати ва унинг ижодкорлик салоҳияти илмий-техникавий ютуқларнинг энг муҳим омили сифатида кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инновацион таълим муҳити шароитини таъминлаш ва таълим олувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришни, ностандарт ва креатив тафаккур тарзини шакллантириш муаммосини соҳанинг долзарб муаммоларидан бири сифатида кун тартибига олиб чиқмоқда. Бутун дунё мамлакатлари таълим муаммоларини иқтисодий тараққиёт омили нуқтаи назардан таҳлил қилувчи “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти” (Organisation for Economic Co-operation and Development, OECD) халқаро баҳолаш тадқиқотларининг (PISA - The Programme for International Student Assessment, PIRLS - Progress in International Reading Literacy Study, TALIS - Teaching and Learning International Survey, TIMSS - Trends in Mathematics and Science Study ва бошқа) “Ҳаёт учун ўқийдиган ўқувчиларни тарбиялаш” ғояси замирида мактаб таълимининг ҳаётий аҳамиятини ошириш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг ҳаётий вазиятларда тўғри қарор қабул қилишига эришиш ва мактаб таълими фан дастурлари мазмунини мазкур ёндашув асосида такомиллаштириш ҳамда уни илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор етакчи мамлакатларида олий педагогик таълим мазмунига қўйилаётган талаблар акмешахсни шакллантиришнинг самарали усул ва йўлларини ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг иқтидор хусусиятларини аниқлаштириш, уларда ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, мазкур муаммонинг самарали ечимига қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ижодий тафаккур тарзи ижтимоий онг шаклларида бири сифатида табиий, ижтимоий, таълимий омилларга боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши мазкур омилларни илмий-педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бошланғич синф ўқувчиларини турли хил воситалар орқали, жумладан, қўл меҳнати воситасида ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш, ижодий тафаккурни фаоллаштириш орқали уларнинг ижтимоийлашувини осонлаштириш, уларнинг интеллектуал коэффициенти (IQ — intelligence quotient)ни ошириш орқали акмешахсни тарбиялашнинг самарали методларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, ўқув ва тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари олиб кириш, усулларини такомиллаштириш, узлуксиз таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ўқитиш

методикаларини такомиллаштириш соҳанинг стратегик вазифалари сифатида белгиланган.<sup>1</sup> Бунда ўқувчиларнинг интеллектуал коэффицентини оширишга, уларда ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантиришга қаратилган педагогик механизмлар ва ўқитиш технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, ўқувчиларда ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришда кўл меҳантининг инсон интеллектига таъсирини аниқлаштириш, мазкур жараёнга рефлексив ва технологик ёндашувларни жорий этиш, ижодий-интеллектуал тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва рефлексив технологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда технология таълимини ўқитиш методикаси, замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, педагогик ва дидактик имкониятлари, технология таълими орқали ўқувчиларнинг компетентлик сифатлари ҳамда креативлик қобилияти, ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг мазкур фан билан боғлиқ мавжуд билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш масалалари О.Мусурмонова,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» ПФ-5712-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й.

Н.А.Муслимов, О.Каримова, О.Қўйсинов, О.Абдуқудусов, Қ.Абдуллаева, Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов, А.Б.Тўраев, Н.Гаипова, Ғ.Аҳмедов, М.П.Имомов, М.Гафурова, Ш.А.Дустмухамедова, З.Т.Нишонова, Ш.Т.Каримова, Ш.Т.Алимбаева, У.Н.Нишоналиев, Ф.Акрамова, Г.Очилова, Ў.Қ.Толиповларнинг илмий ишларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ўқувчиларнинг жамиятда фаол ижтимоийлашувини таъминлаш, технологик таълими воситасида уларнинг ўз салоҳиятига бўлган ишончини ошириш, инновацион мазмунга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакасини ошириш, уларда ижодкорлик ва рационализаторлик кўникмаларини, креатив тафаккур тарзини шакллантириш Т.А.Яркова, Е.Пенькова, Л.Г.Петерсон, Г.И.Егорова, Н.А.Бердяев, Л.С.Выгоцкий, А.А.Кутумова, А.К.Алексеевна, А.В.Злыгостев, А.И.Арнольдov, И.Ф.Исаев, М.Бобнев, Б.С.Гершунский, М.С.Каган, В.Брожик, Е.Лукашева, Г.Н.Соколова, И.А.Зимняя, И.И.Зарецкая, Ф.Н.Щербак, Л.Н.Коган, А.Рафиков каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Хорижлик олимлардан Р.П.Патак, К.Бюлер, Ж.Дьюи, Ж.Пиаже, А.Бандура, К.Валтерс, Р.Риггс, К.Рожерс, Р.Штейнер, Ф.Фребель, Ж.Фрейберг, А.Х.Маслооу, Ж.Киелвен, Л.Сохен, К.Моррисон, Д.Мерилл, С.Томпсонларнинг тадқиқотларида ўқувчиларга касб-хунар ўргатиш орқали уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, ёшларнинг ижодкорлик компетенциясини шакллантириш, уларни рағбатлантириш, кўл меҳнати орқали ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришнинг психофизиологик омиллари каби масалалар ўз ифодасини топган.

Ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга эрта ўргатиш, меҳнат ва тафаккур муносабатининг психологик ва педагогик аспектларини таҳлил қилиш, кўл меҳнати орқали ўқувчиларнинг ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш, ўқувчиларда яратувчанлик, рационализаторлик ва ижодкорлик фазилатларини шакллантириш муаммосининг илмий-амалий зарурати мазкур диссертация мавзусини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизмлари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган. (2019-2021йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларини кўл меҳнатига ўргатиш орқали уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларини кўл меҳнатига ўргатиш орқали уларнинг ижодий тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 8-сонли, Жиззах вилояти Дўстлик тумани 19-сонли ва Бухоро вилояти Олот

туманидаги 14-сонли умумтаълим мактабларининг 328 нафар бошланғич таълим ўқувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бошланғич синф ўқувчиларини қўл меҳнатига ўргатиш орқали уларнинг ижодий тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларида қўл меҳнати орқали уларнинг ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш технологиясининг педагогик имкониятларини аниқлаштириш;

ўқувчиларда ижодий ва креатив тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологиясининг функционал моделини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларини қўл меҳнатига ўргатиш методикасини такомиллаштириш ва унинг ижодий тафаккур тарзига таъсир қилиш омиллари ва шарт-шароитларини аниқлаштириш;

ўқувчиларда ижодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини баҳолашга хизмат қилувчи мезонлар ҳамда бу борада самарадорликка эришишни кафолатловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида илмий, илмий-методик адабиётларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш, умумлаштириш ва хулосалаш, таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, анкета, тест, интервью, педагогик жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, мониторинг, математик-статистик таҳлил ва натижаларни умумлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришнинг инфотейнмент модификацияси, креатив тафаккур матрицаси, ижодий фикрлаш эволюцияси технологиялари ўқувчиларнинг назарий ва эмпирик, мантиқий ва интуитив билиш кўникмаларини интерфаол машқлар, кейс ва ассисментлар воситасида шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда ижодий ва креатив тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологиясининг функционал модели универсаллик, изчиллик, нормативлик тамойилларини онг ва тафаккурнинг субстанционал негизларига кадриятли ва рефлексив виртуал мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

қўл меҳнатига ўргатишнинг когнитив ва рефлексив кўрсаткичлари синф ва синфдан ташқари уюштириладиган ишларнинг гуруҳли ва якка тартибдаги механизмлари асосида аниқланиб, унинг бошланғич синф ўқувчилари ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришда тафаккур фазаларига мувофиқ детерминистик омил эканлиги далилланган;

ижодий тафаккур кўникмасига эга ўқувчи шахсини тарбиялашдаги миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришнинг креативлик мезонлари таълимга дуал ёндашув имкониятлари асосида аниқлаштирилиб, унинг педагогик таъсир механизмлари кросс-маданий таълим имкониятлари



орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида қўл меҳнатига ўргатиш орқали ижодий тафаккурни қарор топтириш технологиясини такомиллаштиришнинг самарадорлигини ошириш принциплари аниқланган;

ўқувчиларда ижодий ва креатив тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологияси моделлаштирилган;

“Технология” фанидан ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатиш бўйича интерфаол амалий машғулот ишланмалари ва унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

қўл меҳнатидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ижодий тафаккур кўникмасини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** педагогика таълим соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, методистлари, шунингдек, амалиётчи тақиқотчилар ишларига асосланганлиги; тадқиқот мақсад ва вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишлари таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида қўл меҳнати орқали уларнинг ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришнинг кенг қамров ижтимоий-педагогик муаммо эканлиги, ўқувчиларда ижодий ва креатив тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологиясининг функционал модели ишлаб чиқилганлиги, қўл меҳнатига ўргатишнинг педагогик ва методик кўрсаткичлари аниқланганлиги ва унинг бошланғич синф ўқувчилари ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришда детерминистик омил эканлиги далиллангани, таълимга дуал ёндашув имкониятлари асосида ижодий тафаккур кўникмасига эга ўқувчи шахсини тарбиялашдаги миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришнинг креативлик мезонлари аниқлаштирилгани ва унинг педагогик таъсир механизмларини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида қўл меҳнатига ўргатиш орқали ижодий тафаккурни қарор топтириш технологиясини такомиллаштиришнинг самарадорлигини ошириш принциплари, ўқувчиларда ижодий ва креатив тафаккур кўникмасини ривожлантиришнинг моделлаштирилган технологияси, ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатиш бўйича интерфаол амалий машғулот ишланмалари ва дастурий таъминоти ҳамда қўл меҳнатидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ижодий тафаккур кўникмасини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларидан умумтаълим мактабларида “Технология” фанини ўқитиш

методикасини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларини қўл меҳнатига ўргатиш орқали ижодий тафаккурини ривожлантириш технологияси бўйича илмий натижалар асосида:

инновацион таълим муҳити шароитида ўқувчиларнинг назарий ва эмпирик, мантикий ва интуитив билиш кўникмаларини қарор топтириш асосида ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш технологиялари, универсаллик, изчиллик, нормативлик тамойилларини онг ва тафаккурнинг субстанционал негизларига интеграциялаш асосида ишлаб чиқилган ўқувчиларда ижодий ва креатив тафаккур кўникмасини ривожлантириш технологиясининг функционал модели бўйича таклиф ва хулосалардан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган А1-ХТ-0-02997 рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 18 майдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич таълим ўқувчиларини тарбиялашда ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли ва аҳамиятини очиб беришга хизмат қилган;

синф ва синфдан ташқари уюштириладиган ишларнинг гуруҳли ва якка тартибдаги механизмлари асосида аниқланган ва унинг бошланғич синф ўқувчилари ижодий тафаккур кўникмаларини ривожлантиришда детерминистик омил эканлиги далилланган ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатишнинг педагогик ва методик кўрсаткичлари бўйича назарий хулосалар Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-09081165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофик она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳа мазмунига сингдирилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 18 майдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчилари ижодий тафаккурини ривожлантиришда лингвистик омилнинг имкониятларини аниқлаштиришга хизмат қилган;

таълимга дуал ёндашув имкониятлари асосида аниқлаштирилган ижодий тафаккур кўникмасига эга ўқувчи шахсини тарбиялашдаги миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришнинг креативлик мезонлари ва унинг педагогик таъсир механизмларини такомиллаштиришга доир тавсиялардан “Мактабгача таълимда тасвирий фаолият” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 166-сонли буйруғи асосида №166-156-сон рақам билан рўйхатга олинган гувоҳнома). Натижада,

ўқувчиларнинг ижодий тафаккур имкониятларини оширишда қўл меҳнати ва тасвирий фаолият уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, 1 та ДГУ, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса 138 бет матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болалар тафаккурини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчилари тафаккурини ривожлантириш муаммосининг педагогик-психологик тадқиқотларда ўрганилиши, қўл меҳнати орқали ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари ва омиллари, қўл меҳнати орқали ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш жараёнининг мавжуд ҳолати таҳлили амалга оширилган.

Мамлакатимизда таълим-тарбияга қўйилаётган замонавий талаблар мазмунини баркамол шахс камолотини таъминлашга қаратилган ғоялар белгилайди. Хусусан, бошланғич таълим сифати ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясини мунтазам ошириб бориш, ўқувчиларнинг иқтидорини тўғри ташхислаш ва йўналтириш, жамиятда осон ижтимоийлашувини амалга ошириш, турли хил маданий кўникмаларини қарор топтириш кабиларда кўзга ташланади. Бундай кенг қамровли талабларни сифатли бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон педагогика фанлар илмий тадқиқот институти ҳамкорлигида “Бошланғич таълим концепцияси” ишлаб чиқилди. Унга кўра “шахсга йўналтирилган ҳамда компетенциявий ёндашувга асосланган бошланғич таълим жамият тараққиёти билан баробар ривожланиб, такомиллашиб боровчи таълим

назариясига таянган ҳолда мунтазам тарзда ривожлантирилади ва шахсни жамият талаблари асосида юксалтиришга хизмат қилади”.<sup>2</sup>

Инсоннинг шаклланиш йилларида педагогик ва психологик жиҳатдан таълимга чанқоқ ўқувчиларни тарбиялаш ва уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда мактабгача таълим тажрибаси ўқувчилар учун умр бўйи муҳим таъсир кўрсатиши ва бу бутун жамиятга фойда келтириши мантиқан энг тўғри йўлдир.

2000 йилда ўқувчилар ривожланишининг аҳамиятини англаш ва таълимнинг ижобий таъсири бўйича тадқиқотларни кучайтиришга асосланиб, Миллий тадқиқот кенгаши (National Research Centre – NRC) АҚШда эрта болалик таълими бўйича тадқиқот ўтказди. Тадқиқот ҳисоботи ва хулосасига кўра, таълим сифати ва самарадорлиги тўртта асосий йўналиш: ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, билимга асосланган ўқитиш, давлат сиёсати ва халқ таълими бўйича саъй-ҳаракатларга боғлиқ, деб топилди.<sup>3</sup>

Таълим ва унга муносабат, эрта таълимнинг ижобий жиҳатлари бўйича Шарқ мутафаккирлари ҳам ўз қарашларини баён этишган. Мутафаккир шоир Алишер Навоий тафаккур, ақл ва фаросат, илм ва маърифатни инсон камолотининг қанотлари сифатида эътироф этади. Шоир “Билим ва донишмандлик инсоннинг бегадидир”,<sup>4</sup> деб ёзади. Шоир болага кичик ёшлигиданоқ билим ва тарбия бериш, саводини шакллантириш лозимлигини уқтирган ҳолда бу борада Ибн Синонинг қарашларини маъқуллайди. Унга кўра ўқувчиларни 6 ёшдан муаллим қўлига топшириш яхши самара беради.

Бурҳониддин Зарнужий “Болага таълим йўлида қўлланма” китобида: “Ўқиб ўрганиш учун энг яхши вақт ёшлик даври, эрта тонг ва қош қорайган пайт. Билим олувчи ана шу вақтни самарали ташкил этишга одатлансин, борди-ю, унга бир фан зерикарли бўлса, бошқаси билан машғул бўлсин”,<sup>5</sup> - дея таъкидлайди. Олим ўзининг “Таълимул – мутааллим” номли асарида таълимда изчиллик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилиш лозимлигини уқтиради. Мазкур эътироф Шарқ халқларида таълим ва унинг ўзгармас тамойиллари анча олдин шаклланганлигини кўрсатади.

Тадқиқотимиз давомида ёш психологияси билан боғлиқ даврлаштиришни амалга оширдик. Унда инсонларнинг жисмоний ва рухий ривожланиши билан боғлиқ даврий чегаралар ўз ифодасини топган. У қуйидагича:

1. Болалик даври психологияси
2. Кичик мактаб ёшидаги болалик даври психологияси.
3. Ўсмирлик даври психологияси.
4. Илк ўспиринлик даври психологияси.

<sup>2</sup> Бошланғич таълим концепцияси . Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти. Тошкент, 2014.

<sup>3</sup> <https://en.wikipedia.org/wiki/NRC>

<sup>4</sup> Дустмухамедова Ш.А., Нишанова З.Т., Жалилова С.Х., Каримова Ш.Т., Алимбаева Ш.Т. Ёш даврлари ва педагогик психология. Олий педагогик ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2015. –Б.21.

<sup>5</sup> Дустмухамедова Ш.А., Нишанова З.Т., Жалилова С.Х., Каримова Ш.Т., Алимбаева Ш.Т. Ёш даврлари ва педагогик психология. Олий педагогик ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2015. –Б.20.

5. Катта ёш даври психологияси.

6. Қариллик даври психологияси (геронтопсихология).

Австралиялик психолог К.Бюлер ўқувчиларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас, балки ахлоқий ривожланиши ҳам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди<sup>6</sup>.

Америкалик педагог ва психолог Ж.Дьюи - инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, инсон ирсият воситасида ҳосил қилган эҳтиёжлари ва психик хусусиятлари билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия жараёнида намоён бўлиб, тарбиянинг миқдорини белгилаб берувчи мезондир, у баъзида ўзгариши мумкин, деб ҳисоблайди.<sup>7</sup>

Австриялик врач-психолог З.Фрейд ҳам бу борада Ж.Дьюи таълимотига ҳамоҳанг фикр билдириб, шахс фаоллигини ва унинг ҳаракатга келишини таъминловчи кучларни кўйидагича тушунтиради. Инсон ўзининг қадимий ҳайвон тариқасидаги авлод-аждодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир. Дьюининг таълимотига кўра, тормозланган инстинкт ва майллар йўқолиб кетмайди, балки бизга номаълум бўлган онгсизлик даражасига ўтказиб юборилади.<sup>8</sup>

Тадқиқотчилар Ф.Акрамова ва Г.Очиловалар “Мулоқот - бу ўқувчиларда ақлий, ахлоқий ҳисларнинг пайдо бўлиш жараёни, ўйин эса фаолият турларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг катталар фаолиятини, иш-ҳаракатларини акс эттиришда ифодаланадиган ва атрофни билишга қаратилган фаолиятдир”,<sup>9</sup> деган фикрни илгари сурадилар.

Илмий-педагогик тафаккур диалектика қонунлари асосига қурилади. Унда ўқувчилар ҳаётининг фаолиятининг ташқи шарт-шароитлари ва тасодифий стимуллари тақозо этувчи ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ҳаракатга йўналтириш нуқтаи назаридан педагогик далил, вазият, ҳодиса, воқеликлар ҳисобга олинади. Бола қандай ҳаракат қилишига қарамасдан, унинг хулқ-атвори ва шахсини таҳлил этишда нафақат аниқ яхши ёки ёмон хатти-ҳаракатига оид далиллар, балки унинг ички олами билан боғлиқ мотив, эҳтиёж, қизиқишларини ҳисобга олиш зарур. Масалага бундай ёндашув шаклланаётган шахснинг хулқ-атвори тасодифийми ёки характеридаги қонуният натижаси эканлигини ишончли аниқлаш имконини беради. Бу эса хулқ-атвори педагогик саводхонлик билан таҳлил этиш, унга асосли баҳо бериш ва тўғри таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Педагогик, шунингдек, ҳаётининг нуқтаи назардан ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати нафақат тарбия объекти сифатида, балки ўз-ўзидан шахсий ҳаёт акс этадиган, англайдиган, ўз-ўзини қайта ташкиллаштирадиган ижодий ҳаракатланувчи субъектлар тарзида намоён бўлади. Шунинг учун педагоглар ўқувчиларнинг фикрлаши ва хулқ-атворидаги турли кутилмаган, оддий бўлмаган исталган

<sup>6</sup> Бюлер К. Духовное развитие ребенка. — М., 1924. Подробнее на [livelib.ru: https://www.livelib.ru/author/171535-karl-byuler](https://www.livelib.ru/author/171535-karl-byuler)

<sup>7</sup> Дьюи Дж. От ребенка – к миру, от мира – к ребенку. –М.: 2009. ISBN: 978-5-8403-1539-2 <https://www.livelib.ru/book/1000398297-pedagogikadetstva-ot-rebenka-k-miruot-mira-k-rebenku-dyui-dzh-dyui-d>

<sup>8</sup> Нишанова З.Т. ва бошқ. Ривожланиш психологияси. Педагогик психология. Дарслик / -Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2018. -Б.265.

<sup>9</sup> Акрамова Ф, Очилова Г. Педагогика. Психология. ЎУМ. –Самарканд: СамДУ нашри, 2010. –Б.87.

вазиятларга тайёр бўлиши ва оператив таъсир кўрсатиши лозим. Ҳақиқий маънодаги педагогик тафаккур педагогга тайёр намуналардан воз кечиш, янгиликни қабул қилиш, нарсаларга уйғоқ нигоҳ билан қараш, қарама-қаршиликларни таҳлил этиш ва уни ҳал этишга йўл топишга ёрдам беради,<sup>10</sup> деган илмий қарашларни илгари сурадиган тадқиқотчилар ҳам мавжуд.

Мамлакатимизда 1999 йилдан бошлаб Миллий ўқув дастурига асосий кўникмалар билан бир қаторда мулоқот, фикрлаш қобилиятлари ва АКТ билан боғлиқ бўлган кўникмаларга ҳам киритилган. Фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши барча асосий босқичларда кутилади ва қуйидагиларга асосланади:

- Ахборотни қайта ишлаш кўникмалари.
- Мулоҳаза юритиш қобилиятлари.
- Суриштирув қобилиятлари.
- Ижодий фикрлаш қобилиятлари.
- Баҳолаш қобилиятлари.

Диссертацияда мазкур кўникма ва қобилиятларнинг тавсифи баён қилинган.

Тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларининг тафаккурини ривожлантириш омиллари аниқлаштирилди. Уларни қуйидагилардир:

1. Ижтимоий муносабатларга асосланган омиллар (кишилар билан ўзаро муносабат, муомала).
2. Меҳнатга асосланган омиллар (онгли равишда меҳнат қилишнинг тафаккурга таъсири).
3. Ўйинга асосланган омиллар (турли бошқотирмалар, заковат талаб қиладиган ўйинлар).
4. Таълимга асосланган омиллар (таълим орқали тафаккурнинг ривожланиши).
5. Санъатга асосланган омиллар (бадий мутолаа, кино, спектакл, мультфильм ва ҳоказо).

Қўл меҳнати орқали мактабларда таълим сифатини оширишнинг асосий тамойили ўқувчилар ҳаётининг турли соҳаларини - уй, мактаб ва жамиятни ҳамда бутун дунёни бирлаштиришдан иборат бўлиб, вақт ўтиши билан ва турли вазиятларда таълимнинг узлуксизлиги ва боғлиқлиги билан кечади. Бу соҳалардаги катталар болаларни қўллаб-қувватлашда қўл меҳнати тажрибасини тан олиш, бошлаш, йўналтириш орқали ўрганишнинг ушбу узлуксизлиги ва боғлиқлигини таъминлашдаги роли муҳим аҳамиятга эга. Бир томондан, эркин қўл меҳнати орқали ривожланиш болаларга ўйнаш ва кашф қилиш эркинлигини беради; бу катталар иштирокида кўпроқ бошқариладиган ёки тузилган болаларнинг қўл меҳнатида кўзга ташланади. Ушбу давомийлик бўйича, тарбиячилар қўл меҳнати орқали ўрганишни қўллаб-қувватлаш учун зарур ва тегишли кўникмалар билан жиҳозланган

---

<sup>10</sup> Ходжаев Б., Чориев А., Салиева З. Педагогик тадқиқотлар методологияси. Дарслик. // Б. Ходжайев ва -. Тошкент: 2018. - 190 бет.

бўлишини таъминлаш муҳим - ҳатто эркин ўйин ҳолатларида ҳам, чунки эркин ўйиннинг афзалликларини тан олишлари ва вақтни таъминлаш орқали уни ривожлантиришлари зарур бўлади.

Қўл меҳнати фаолияти нафақат бошланғич таълим ўқувчиларига турли хил материаллар билан боғлиқ бўлган табиат ва жараёнлар, асбоблар ва жиҳозлардан фойдаланиш ва ҳоказоларни ўргатиш учун хизмат қилади, балки унинг ўрганувчилар учун фойдали бўлган терапевтик жиҳати ҳам мавжуд. Чунки қўл меҳнатини ўргатиш ва ўрганиш замирида хомашёдан маҳсулот яратиш мазмуни ётади. Қўл меҳнати тақдим этиши мумкин бўлган таълим ва терапевтик фойдадан ташқари, қўл маҳоратини ошириш орқали уларда бармоқлар моторикасини ривожлантириш билан боғлиқ ижобий жиҳати ҳам мавжуд. Бу жараёнда ўқувчилар мактабда ўта инсоний фазилатларни ҳам ҳиссий, ҳам интеллектуал даражада машқ қилишда тажрибага эга бўлади ва онгли шахс сифатида тарбияланади.

1-расмдан кўриш мумкинки, бошланғич таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ижодий, метакогнитив ва танқидий фикрлаш қобилиятлари муаммоларини ҳал қилиш орқали уларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари ва омилларини ривожлантириш мумкин.



**1-расм. Ижодий, метакогнитив ва танқидий фикрлаш қобилиятлари муаммоларини ҳал қилиш модели**

Ҳар бир инсон ижодий фикрлаш қобилияти ва ғояларига эга, лекин болаларда кўпроқ янги фикрлар бўй кўрсатади, чунки улар ёш жиҳатдан ҳали қаттиқ мантиқ ва конвергент қарашлардан тўлиқ хабардор бўлмайдилар. Улар турлича, яъни очик, ихтирочи ва ўйноқи бўлиб, ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Катталар ҳам ўзларининг ижодкорликларини меҳнат ва таълим орқали намоиш этишлари мумкин. Умуман олганда, ҳар бир кишида муайян даражада ижодкорлик қобилияти мавжуд бўлиб, унинг ривожига учта омил ёрдам беради:

- кўникмалар;
- муҳит (шу жумладан воситалар)

- мотивация.

Бошланғич таълимда ижодий фикрлар бўйича биз қуйидаги учта асосий фикрни таҳлил қиламиз ва таъкидлаймиз:

- мактабдаги режа бўйича ўтиладиган барча мавзуларда ижодкорликни, ўқувчиларни мушоҳада ва таҳлил қилишга йўналтирилган топшириқларнинг бўлиши;

- ўқувчилар учун гарчи фикрлар бир-биридан жуда фарқли бўлса-да, ижодий фикр юритишлари учун имкониятлар яратилиши;

- ўқитувчилар ўқитиш амалиётида ижодкор бўлиши ва табиийки ўз ижодий фикрларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни ҳам шунга ундаши лозим.

Ижодий фикрлашни ривожлантириш ҳар доим ҳам осон бўлмаган ва тадқиқот, тажриба ёки муваффақиятли амалиётдан олинган муайян хулосаларга таяниш зарурати мавжуд. Мавжуд ҳолатни ўрганиш натижасида биз тадқиқотимизда қуйидаги йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарур, деган хулосага келдик:

а) ижодкорликка тавсиялар бўйича тадқиқотлар;

б) гуруҳ амалиёти бўйича тадқиқотлар;

в) муаллифларнинг шахсий тажрибалари.


Умуман, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида қўл меҳнати орқали ўқувчиларни ҳам ақлан, ҳам жисмонан ривожлантириш мураккабликни ошириш кўникмаларини ўз ичига олган ва инсон тафаккурини ривожлантиришга қаратилган ижодий машғулотларни талаб қилади. Бу эса хилма-хил, мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, кўплаб когнитив омилларни мувофиқлаштириш орқали қарор топадиган жараёндир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг амалий ва технологик тизими**” деб номланади ва унда қўл меҳнатига ўргатиш асосида ўқувчилар ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг функционал модели ишлаб чиқилган, шунингдек, ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатишнинг педагогик хусусиятлари ва мазкур жараёни рақамли технологиялар воситасида ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари очиқ берилган.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фикрлашга жалб қилиш учун уларнинг ички ресурсларининг бир неча жиҳатларига (мустақил фикрлашларига) таъсир қилиши мумкин, жумладан: когнитив қобилиятлар; тажрибага тайёрлик; янги ғоялар ва тажрибаларга очиклик; бошқалар билан ишлашга ва бошқаларнинг ғояларига асосланишга тайёрлик (ҳамкорлик); қийинчилик ва ўз ижодий қобилиятига ишониш (мақсадга йўналтириш ва эътиқодлар), ўз мақсадларига эришишга тайёрлик ва вазифа мотивацияси.

Ўқувчилар ижодий фикрлашининг ривожланиши бу ўзига хос воситалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. Ижтимоий ёрдам берувчилар табиий равишда маданий меъёрлар томонидан шакллантирилади, бу эса, ўз навбатида, болаларнинг индивидуал имкониятлари қандай ривожланиши ва сайқалланишига таъсир қилади.





**2-расм. Ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатиш орқали уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг функционал модели**

аниқлаштирилди. Улар қуйидагилар: 1) маданий меъёрлар; 2) тарбиявий ёндашувлар; 3) мактаб иқлими; 4) ижодий жалб қилиш; 5) ижодий ифода; 6) билим яратиш; 7) ижодий муаммоларни ҳал қилиш.

Тадқиқотда ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатиш орқали уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг функционал модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Тадқиқот давомида таълим ўлчовлари бўйича ижодкорлик ва унга тегишли кўникмаларнинг долзарблиги асосланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Таълим ўлчовлари бўйича ижодкорликнинг (ва тегишли кўникмаларнинг) долзарблиги**

<b>Ўрганиш / ўлчов</b>	<b>Мувофиқлик</b>	<b>Тегишли кўникмалар</b>
“Билишни ўрганиш / Когнитив ўлчов	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Таълим ва тарбия жараёнлари ва натижаларини аниқлаштириш</li> <li>- Болаларни тез ўзгарувчан дунёда муваффақиятга тайёрлаш</li> <li>- Ўрганишдан завқланиш ва қўл меҳнатининг долзарблигини ошириш</li> </ul>	Инновацион фикрлаш, дивергент фикрлаш, ифодали фикрлар, таҳлил ва синтез
“Қилишни ўрганиш / Инструментал ўлчов	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Инструментал ривожлантириш</li> <li>- Ижод жараёнида муаммоларни ҳал қилишни ўргатиш</li> </ul>	Индивидуал ва жамоавий иш, таваккалчилик
“Бўлишни ўрганиш / Индивидуал ўлчов	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Яхлит ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўз-ўзини самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш</li> <li>- Болаларнинг қобилиятларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш</li> </ul>	Ўз-ўзини қадрлаш, қатъиятлик
Биргаликда фаолиятни ўрганиш / Ижодий ўлчов	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Қўл меҳнати асосида ижодий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшиш</li> <li>- Ижодий ёндашувлар орқали ижтимоий ҳамжиҳатликни яхшилаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Умумий манфаатни тарғиб қилишда ижодий иштирокни енгиллаштириш</li> <li>- Ижодий ва ижобий ўзгариш</li> </ul>

**“Билишни ўрганиш” / Когнитив ўлчов** - асосий ҳаётий кўникма сифатида ижодкорликнинг таълимдаги когнитив ўлчовга қўшган ҳиссаси бўлиб, ўқувчиларнинг қўл меҳнати орқали ижодий фикрлашини ривожлантириш жараёнлари учун мақсадли фикрлаш, айниқса, таълим тизими ва уларнинг натижалари учун ижодий фикрлашнинг афзалликларини аниқлатади. Ижодкорлик баъзида хаотик фикрлаш жараёнларига олиб келади, деган тўғри қараш мавжуд, бироқ у аслида тартибли фикрларни рағбатлантиради, шу билан ҳар қандай ёшдаги болаларда конструктив фикрлаш ва яхшироқ ишлаш қобилиятини кенгайтиради.

**“Қилишни ўрганиш” / Инструментал ўлчов** - ижодкорлик билан боғлиқ ҳаётий кўникмаларни аниқлаш тушунча бўлиб, бошқа соҳалардаги нодир иқтидор эгаларини аниқлаш сингари, ижодий фикрлаш

қобилиятлари ўқувчилар қўл меҳнати орқали бирор-бир инструмент билан ўзи учун янги деб билган нарсасини яратиш ёки қилишда энг муҳим ҳаётий кўникмалар қаторига киритилган (Al Maktoum Foundation, 2008).

**“Бўлишни ўрганиш” / Индивидуал ўлчов** - инсонларнинг диққат марказида бўлган ижодкорлик индивидуал истеъдодни амалга оширишнинг ажралмас қисми бўлиб, қатъиятлилик ҳамда чидамлилиқни талаб қилади. Аниқроқ айтганда, ижодкорлик қобилиятлари муваффақиятли ҳаётга эга бўлишнинг асосий омили ҳисобланади, чунки улар ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўзини ўзи қадрлашни кучайтиради ва ўз-ўзининг самарадорлигига ҳисса қўшади.

**“Биргаликда яшашни ўрганиш” / Ижтимоий ўлчов** - ижодкорлик шахслар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлса-да, энди у асосан индивидуал ёки гуруҳлар ичида ҳамда улар орқали ривожланган ҳамкорлик ва ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилади. Ижтимоий ижодкорлик ижодий шахсларни шакллантиради, ижтимоий бирдамлиқни рағбатлантиради, шахсий ва ижтимоий ўртасидаги динамик ўзаро муносабатларни тақлиф қилади, ахлоқий ўлчовни ўз ичига олади ва турли маданиятлар ва қадриятларнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқиши мумкин.

Тадқиқот давомида қўл меҳнатига ўргатишда қўлланиладиган асосий усуллар тизими аниқлаштирилди. Улар қуйидагилардан иборат: 1) оғзаки баён қилиш; 2) тушунтириш ва ҳикоя қилиш; 3) суҳбат; 4) машқ қилдириш; 5) амалий ишлар; 6) лаборатория ишлари; 7) мустақил ишлар; 8) экскурсия; 9) китоб билан ишлаш. Диссертацияда мазкур усуллар тизимининг ўқувчиларни қўл меҳнатига ўргатишдаги аҳамияти ва қўлланиш механизмлари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотда ўқувчилар учун муҳим бўлган ижодий фикрлаш қобилиятларига таъсир қилувчи психологик омиллар аниқлаштирилди. Улар қуйидагилар: таваккалчилик; тасаввур; яратувчанлик; ақлий ҳужум; тасвирий мушоҳада; бадий мушоҳада; мослашувчанлик; очик ва креатив фикрлаш. Ўқувчилар учун муҳим бўлган танқидий фикрлаш қобилиятини рағбатлантирувчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: савол бериш; мантиқий мушоҳада; таҳлил қилиш; тасниф қилиш; тавсифлаш; мулоҳаза юритиш; баҳолаш; текшириш; аралаштириш; таққослаш; башорат қилиш; муаммони ҳал қилишга нисбатан йўл қидириш; ўз-ўзини акс эттириш қобилияти; кузатув малакалари; қарор қабул қилиш; ташкилий ва режалаштириш қобилиятлари; саводхонлик кўникмалари; тил билимлари.

Ўқувчиларни қўл меҳнати асосида иш унумини ошириш икки босқичда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

**Биринчи босқич** - қўл меҳнати машғулотларининг аниқлиги, асосланганлиги, унинг ўқувчи қизиқишига, истеъдодига ва қобилиятига мос келиши. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, имкониятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларни қўл меҳнатининг маълум турига бўлган қизиқишини ўз вақтида аниқлаш ва уларга қўл меҳнати малакаларини севган машғулотларида

такомиллаштиришга ёрдам бериш жуда муҳимдир.

**Иккинчи босқич** - ўқувчиларнинг эътиборини жамоатчиликка, ижодий ташаббускорликка, қўл меҳнати орқали меҳнат қилган синфдошларини ва меҳнат натижаларини ҳурмат қилишга, меҳнатининг натижасига жавобгарлигини ҳис этишга қаратиш кабиларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг умумий мантиғи ва илмий гипотезаси ишнинг айна босқичида қўл меҳнати, хусусан, технологик таълим дарс машғулотларининг болалар ижодий қобилиятига, уларнинг тасаввур имкониятларини кенгайтиришга нисбатан педагогик ва психологик таъсир имкониятларини тадқиқ қилиш лозимлигини кўрсатади.

Рақамли технологиялар замонавий жамиятда инсонлар турмуш тарзини кулайлаштиришга хизмат қилмоқда. Аммо рақамли технологиялар асрида ўқувчи-ёшларнинг турмуш тарзи шу технологиялар ичида кечмоқда ва улар бундан айро ҳолдаги дунёни тасаввур қила олишмайди. Кўплаб технологиялар бирлаша бошлагани сабабли, уларни қўллашнинг мослашувчанлиги ўсишда давом этмоқда. Замонавий смартфон бунга яққол мисол бўла олади: бу қурилма дастлаб мобил телекоммуникацияни осонлаштириш учун мўлжалланган бўлса, ҳозирда (стандарт сифатида) кучли камера, видео тасвирга олиш, ўйин ўйнаш каби бир нечта функцияларни бажарувчи гаджетга айланиб улгурди. Шундай экан, ўқувчиларнинг ижодий тафаккур имкониятларини қўл меҳнатига асосланган ҳолда ривожлантириш масаласига рақамли технологияларни татбиқ қилиш бугунги кун ахборот технологиялари ва педагогикасининг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Электрон дарсликлар яратиш ва унда турли анимациялар воситасида қўл меҳнати турларининг амалий ишларини компьютер технологиялари воситасида ўрганиш таълим самарадорлигини бир неча қаррага оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ўқувчилар рақамли ресурслардан самарали фойдаланишади. Рақамли технологиялар ва ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ўртасида алоқадорлик мавжуд ва мана шу алоқадорликни топиш ва таъминлаш таълим сифати билан боғлиқ илмий-педагогик жараён ҳисобланади. Рақамли дунё асрида ижодий фаолият ҳам ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳам рақамлашиши зарур. Ижодий фаолият жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш ахборот технологиялари соҳасининг ҳам нисбатан янги йўналиши ҳисобланади ва буни амалга оширувчи мутахассислардан ижодий жараённи тушуниш талаб этилади. Демак, қўл меҳнати ва амалий санъат соҳасини рақамлаштириш ва соҳага инновацияларни жорий этиш учун шу соҳа мутахассислари билан муҳандис-дастурчилар ҳамкорликда ишлаши талаб этилади.

Турли соҳалар ва фанларнинг барчаси ижод ва ижодий жараённи ўзига хос таърифлайдилар. Ижодий ғояни тан олиш ва унга нега “ижодий” сифатини бериш лозимлигини тушунтириш бир оз мураккаб. Гарчи индивидуал экспертлар бу борада муайян фикрларни илгари сурган бўлса-

да,<sup>11</sup> уларда умумий жиҳатлар мавжуд. Соҳа мутахассисларининг барчаси ижодкорликнинг тўртта муҳим хусусиятини ажратиб кўрсатишади: мантиқий мушоҳада, инновацион ёндашув, оригинал ва мослашувчан фикрлаш тарзи ҳамда ғояларни тадқиқ қилиш қобилияти (3-расмга қаранг).



**3-расм: Ижодкорликнинг хусусиятлари**

Ижодкорлик назарийтчиси Роберт Стернберг<sup>12</sup> болаларнинг ижодий фикрлаши хаёлий, янги бўлиши ва қимматли натижаларга олиб келиши керак, деб ҳисоблайди. Аммо болаларнинг хаёлпарастлигини кўрсатиш осон бўлса-да, кўпчилик кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзига хос ғояларни ишлаб чиқаришга қодирлигини қабул қилмайди ва бу ёшдаги ўқувчилар алоҳида аҳамиятга эга бўлган ғояларни яратиши мумкинлигига кўпчилик шубҳа билан қарайдилар. Бироқ, буни шахс нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, Стернберг (боланинг ижодий бўлиши учун) бола учун тушунчанинг янгилигини кўрсатиб бериш кифоя, деб таъкидлайди, шунинг учун у “янгилик” атамасини ишлатишга интилади. Шунга ўхшаб, ғоя фақат шахс учун ушбу мезонларга жавоб берадиган қийматга эга эканлигини кўрсатиш керак.

4-расмда ўқувчилар ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг дифференциаллашган ёндашувлари кўрсатилган. Унинг тавсифи куйидагича:

- **манба** - ресурс бўйича, бу ерда турли хил дастурий таъминот, ўйинлар ва бошқа элементлар бир қатор қобилиятларни ривожлантиришга мос келиши мумкинлиги назарда тутилган;


- **гуруҳлаш орқали** - бу ерда иштирокчилар сони турли ижтимоий эҳтиёжларни яхшироқ қондириш учун мослашувчан тарзда созланиши назарда тутиладива ҳоказо;

<sup>11</sup> Barnaby, B. & Burghart, V. (2017) ‘Creativity in a Digital Age’. In: Kaye, L. (ed.) Young Children in a Digital Age. London: Routledge.

<sup>12</sup> Sternberg, R. (2003) ‘Creative thinking in the classroom.’ *Scandinavian Journal of Educational Research*. 47 (3).

• **фаолият бўйича** - бу ерда турли хил афзалликларни ишлатиш учун мавзулар аралашмаси ишлатилиши мумкинлиги назарда тутилган.

